

ТОШКЕНТ

ОҚШОМ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 126 (10.431)

2005 ЙИЛ 30 ИЮНЬ

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 28-29 июнь кунлари Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан амалий ташриф билан Москва шаҳрида бўлди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида Россия алоҳида ўрин тутди. Тошкент ва Москванинг кўплаб халқаро муаммоларга муносабати ўхшаш ёки яқин, икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги қараш ва интилоҳлари муштарак. Ўзбекистон ва Россия барча соҳаларда ўзаро алоқалар кўламини кенгайтиришдан манфаатдор. Ана шу манфаатдорлик, шунингдек, ҳамкорликдаги ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳи, икки давлат раҳбарларининг ўзаро самимий муносабати, кўпгина масалаларда фикрдошлиги 2004 йили Тошкентда Ўзбекистон билан Россия ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома имзоланишига асос бўлди.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари ўртасида қарор тоғлан олий даражадаги мулоқотлар ҳамкорликнинг янги қирраларини очиш, ишга солинаётган имкониятларни кўриб чиқиш, долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашиш учун кўлай имконият яратмоқда.

Ислам Каримовнинг Москвага бу галги ташрифи чоғида Россия Президентининг Ново-Огарёво қароргоҳида ўтган музокара-лар савдо-иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-маданий, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий алоқалар масалалари муҳокамасига бағишланди.

Ислам Каримов ва Владимир Путин ҳамкорлик кўлами муттасил кенгайиб, савдо-иқтисодий алоқаларга доир кўрсаткичлар ошиб бораётганини, ушбу ташриф ўзаро алоқаларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2004 йилда ўзаро савдо ҳажми 2003 йилдагига нисбатан 38 фоиз ошиб, 1 миллиард 641,9 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Жорий йилнинг дастлабки тўрт ойига доир кўрсаткич эса 2004 йилнинг шу даврига нисбатан 42 фоиз ўсган.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида ёқилга-энергетика мажмуидagi сармовий ҳамкорлик диққатга сазовордир. «Ўзбекнефтегаз» миллий ҳолдинг компанияси билан «Лукойл» ва «Газпром» очик акционерлик жамиятлари ўртасида имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон нефть-газ саноатида 2,5 миллиард АҚШ доллари миқдорига сармоя киритилишини кўзда тутди.

Ново-Огарёво учрашувида бошқа кўплаб йўналишлар бўйича ўзаро манфаатли йирик лойиҳалар режалаштирилаётгани қайд этилди.

Маданият ва санъат, таълим, экология ва умуман ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида изчил мулоқотлар, ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Ислам Каримов ва Владимир Путин халқаро ташкилотлар, жумладан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги алоқалар юзасидан фикр алмашишди.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик масалаларига алоҳида тўхталди. Ислам Каримов жорий йилнинг 13 май куни Андижонда рўй берган фожеали воқеалар хориждаги экстремистик марказлар томонидан тайёрланган операция эканлигини, унга МДХ, шу жумладан, Марказий Осиё мамлакатларида содир бўлаётган жараёнлардан айри ҳодиса сифатида қараш мумкин эмаслигини таъкидлади.

Андижон воқеалари, МДХ мамлакатларида уюштирилаётган турли «рангли инқилоблар»дан фарқли ўлароқ, мутлақо янги шакл ва қиёфада амалга оширилган муҳим фитнадир. Бу гал «сценарий муаллифлари» ва «режиссёрлар» демократияпараст оломонни намойишга олиб чиқмади. Ўзбекистоннинг мустақил сиёсатини кўра олмайдиган, Марказий Осиёда вазиятни издан чиқариш ниятида бўлган бу «раҳнамолар» оломон ўрнига, кўпоровчиллик бўйича яхши тайёргарлик кўрган террорчи ва экстремистларни ишга солди, деди Ислам Каримов.

Бу муҳим операцияга олдиндан тайёргарлик кўрилгани қўйидагилардан ҳам аён бўлади: хорижлик журналистлар Андижон воқеалари арафасида Ўзбекистонга келиб, жойлашиб олди. Чунки милиция батальони ва ҳарбий қисмдан татта миқдорда қурол-аслаҳа ва ўқ-дори олиниши, қамқондан юзлаб жиноятчилар чиқариб юборилиши туфайли тинч аҳоли орасидан қурбонлар бўлиши мумкин эди. Шу тариқа ахборот хуружи учун ҳам замин тайёрланганди. Андижонда ҳали битта ҳам ўқ отилмай туриб, айрим хориж оммавий ахборот воситалари «ҳукумат тинч аҳолини ўққа тутушга буйруқ бергани» ҳақида жар сола бош-

лади. Кейинчалик гараз ниятли бу кампания иштирокчилари мустақил халқаро текшириш ўтказишни талаб қилишга тушиб кетди.

Владимир Путин Ўзбекистон раҳбарининг операция хорижда тайёрланганини тўғрисидаги фикрини тасдиқлаб, ўша кунлари Афғонистонда жангариларнинг ҳаракатга тушиб қолгани ва айрим мамлакатлар чегаралари яқинида кўпоровчилар гуруҳлари тўплангани кузатилганини, Россия махсус хизматлари бу ҳақдаги маълумотларга эга эканини таъкидлади.

Россия раҳбари Андижон воқеалари муносабати билан Ўзбекистон халқига ҳамдардлик изҳор этди. Андижонда ҳаёт изга тушгани, вазият барқарорлашгани ва назорат остига олингани бизни қувонтиради, деди Владимир Путин.

Ново-Огарёво учрашувида томонларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ташрифнинг иккинчи куни Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Россия мудофаа вазири Сергей Иванов билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Россия ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Бу йўналишдаги алоқалар ҳарбий махсуслотлар етказиб бериш, ҳарбий техникани янгилаш, кадрлар тайёрлаш, биргаликда машқлар ўтказиш, коиноти тадқиқ этиш бўйича давлатлараро дастурлар тузиш каби тадбирларни ўз ичига олади.

Учрашувда ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистонда ҳарбий махсуслотлар ишлаб чиқаруви кўшма корхоналар очиш масаласи кўриб чиқилди. Бу йил Ўзбекистон ва Россия қуролли кучлари биргаликда ҳарбий машқ ўтказиши мақсуд соҳадаги ҳамкорликнинг дадил қадамларидан бири бўлиши таъкидланди.

Мамлакатимиз раҳбари Россия Президенти билан музокаралар самаралы бўлганини, сўхбат очик, ўзаро ишонч руҳида, ишчанлик кайфиятида ўтганини қайд этди.

АНВАР БОБОЕВ,
ЎЗА МАХСУС МУХБИРИ.
Тошкент-Москва-Тошкент.

XVI ХАСР Саҳоси
Барча мавбалардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

• Хоразм вилояти галлакорлари давлатга дон сотиш шартнома мажбуриятларини бажарди. Тайёрлов пунктларига 63 минг 800 тоннадан ортик галла топширилди. Шуниси қувонарлики, бу йил воҳа деҳқонлари режадагидан 15 минг 100 тонна кўп ҳосил етиштирди.

• Сурхандарё вилояти галлакорлари дон ва руғлиқ тайёрлаш бўйича шартнома режасини бажарди. Давлатга 223 минг тоннадан зиёд галла сотилди.

• Марказий офицерлар уйида Куролли Кучлар Академияси тингловчиларининг навбатдаги битирув тантанаси бўлиб ўтди. Байрам тадбирида сўзга чиққан мудофаа вазири Қодир Фуллом битирувчиларни кутлаб уларга диплом топширди.

• Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида Навоий вилояти расмоларининг кўргазмаси очилди.

• Намангандаги «Ешлар» спорт мажмуида муайтай бўйича Тўйчи Неъматов хотирасига бағишланган республика чемпиони нихоясига етди.

Жаҳонда

• Узок Шарқда энергетика тизимидаги жиддий носозлик туфайли Амур вилоятидаги Благовешенск шаҳрида электр энергияси ўчиб қолди. Фуқаро мудофааси ва факултетада вазиятлар ишлари бўйича шаҳар бошқармаси берган маълумотга таяниб РИА «Новости» ахборот маҳкамаси тарқатган ҳабарда таъкидланишича, марказий электр станциясида носозлик юз берган. Аини пайтда бунинг сабаблари ўрганиляпти.

• Люксембург парламент депутатлари бир овоздан Европа Иттифоқи конституция лойиҳасини тасдиқлади. Эндиликда умумиттифок конституциясининг лойиҳаси икки босқичга ўтди. Жорий йил 10 июль куни мамлакатда ушбу масала юзасидан умумхалқ референдуми бўлиши кутляпти.

• Украина ички ишлари вазири Юрий Луценко Верховная Радага 16 нафар халқ депутатидан дахлсизлик ҳужуқини олиб ташлаш ва улар устидан жиний иш кўзғатиш таклифи билан чиқди. Вазирининг қайд этишича, уларга нисбатан жиний иш кўзғатиш ўтган йилги мамлакат президентига саволлари билан боғлиқ эмас. Бу депутатлар сайлов баҳонасида ноқонуний йўл билан миллионлаб маблағ тўплаган.

ПОЙТАХТНИНГ СўР КўНИ

Янгиликлар, воқеалар

КЕЧА

• **КЕЧА** шаҳримизда Республика «Махалла» ҳамда «Заковат» жамғармалари ҳамкорликларида ёшлар ўртасида ташкил этилган «Ёшлар ташаббусини ривожлантириш» деб номланган кўрик-танловнинг якуний босқичи ўтказилди.

• **ТОШКЕНТ** Давлат юридик институтида гиёвандликка қарши кураш масалаларида бағишлаб уюштирилган тадбирда юртимизга гиёванд моддаларнинг ноқонуний тарзда кириб келишининг олди-

ни олиш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

• **БУГҮН** Миробод туманидаги 154-мактаб қошида ташкил этилган «Қалдирғоч» болалар оромгоҳида болалар шоири Турсунбой Адашбоев билан ўтказилган учрашув «Маънавият ва маърифат» марказининг Миробод туман бўлими томонидан ташкил этилди.

• **БУГҮН** Яккасарой туманидаги 30-болалар боғчасида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган давра сўхбати «Гиёвандликка қарши кураш» деб номланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ДИҚҚАТ, ТўҒРИДАН-ТўҒРИ МУЛОҚОТ!

АЛЛО, ТОШКЕНТ ШАҲАР УРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ МУТАСАДДИЛАРИ СИЗИНИНГ САВОЛЛАРИНИГИЗГА ЖАВОБ БЕРАДИ!

Ҳурматли битирувчилар ва ота-оналар!

Навбатдаги ўқув йили ҳам нихоясига етди. Минглаб ўғил-қизлар мактабни тугатди ва хозирда уларнинг ўзлари ва ота-оналари учун энг қизгин пайт. Шубҳасиз, фарзандларимизнинг ақсарияти мустақил ҳаётга илк қадам қўйишда «Ким бўлсам экан» деган саволни ўзлари учун аниқлаб олган, аммо бу борада танлаш олдида турган ёшларимиз ҳам йўқ эмас. Тўққизинчи синфни битирганларнинг кўпчилиги тўлиқ ўрта маълумот олиш билан бирга маълум бир касбни ҳам эгаллаш ниятидадир. Пойтахтимиздаги маъжуд академик лицей ва касб-хунара коллежларида бу борада тайёргарлик ишлари қай даражада? Кириш синовларида, ўқиш йўналишларида янгиликлар, ўзгаришлар борми? Иمتиҳанларчи?

Ота-оналар ва битирувчиларнинг шу каби саволларига 2005 йил 1 июль куни соат 14.00 дан 16.00 гача Тошкент шаҳар Урта махсус, касб-хунара таълими бошқармаси бошлиғи Шавкат Жавлонов 139-05-48, 139-05-68 ва 133-13-21 телефонлари орқали тўғридан-тўғри жавоб беради.

Саволларингизни олдиндан 136-53-10, 139-05-48 телефонлари орқали ҳар куни (шанба ва яқшанбадан ташқари) соат 17-00 гача беришингиз ёки бевосита Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. 2 - қават, «Тошкент оқшом» газетаси тахририятига мурожаат этишингиз мумкин.

Истеъмолчи

ҳуқуқлари қонун

ҳимоясида

ТАЛАБЛАР

ҚОНДИРИЛМОҚДА

«Alta-ART» масъулияти чекланган жамияти томонидан (раҳбари В.Гилязетдинов) таниқли рус эстрада хонандаси Дима БИЛАНнинг пойтахтимиздаги Халқлар Дўстлиги саройида бўлиб ўтадиган концерт дастурига чипталар сотилган эди. Қиймати 10-35 минг сўм атрофидаги чипталарни хонанданинг мухлислари (қонунда истеъмолчилар) харид қилишган. Бироқ турли сабабларга кўра концерт дастури намойиш этилмаган. «Емаган сомсага пул тўлашни истамаган» истеъмолчилар — Шайхонтоҳур тумани Дархон кўчаси 22-уйда истиқомат қилувчи Е.Черкасова, Ҳамза тумани, Риёзий мавзеси, 15а-уй, 38-хонадонда яшовчи Т.Ким, Бекобод шаҳри, 13-мавзе, 24-уй, 20-хонадонда турувчи О.Ҳайитметовалар Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳудудий бирлашмасига ёзма muroжаат қилишган. Ҳозирда бирлашма томонидан мазкур ташкилотга талабнома жўнатилган бўлиб, истеъмолчилар талабларини қондириш чоралари кўрилмоқда.

● Мирзо Улугбек тумани, Яланғоч мавзеси, 63-уй, 2-хонадонда яшовчи. Л.Карташева «Чайка» русумидаги кир ювиш машинасини таъмирлатиш учун хусусий тадбиркор «VALIEV ILDAR ARIFOVICH» масъулияти чекланган жамиятига muroжаат қилган. Бироқ тадбиркор маълум сабабларга кўра истеъмолчининг талабларини кечиктирган. Л.Карташева ўзининг қонуний имкониятларидан тўғри фойдаланиб, мазкур ҳолатни ҳудудий бирлашмага ёзма равишда баён этган. Олиб боришлар текширишлар, кузатишлар натижалари юзубий яқун топди. «Чайка» русумидаги кир ювиш машинаси тўлиқ таъмирланган тарзда эгасига қайтарилди.

● Собир Раҳимов туманидаги 3-автобус саройи ҳамда «Дори-дармон» масъулияти чекланган жамиятида «Истеъмолчилар ҳуқуқлари бузилганда кимга, қаерга muroжаат этиш зарур?», деб номланган семинар кенгаш ўтказилди. Мазкур тадбир туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти томонидан уюштирилган бўлиб, унда истеъмолчиларнинг транспорт воситаларидан фойдаланишда, дори-дармонлар харид қилишда ҳуқуқлари поймол этилган пайтларда қандай чоралар кўриш лозимлиги атрофича таҳлил этилди.

Тошкент шаҳар Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳудудий бирлашмаси билан ҳамкорликда тайёрланди.

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

ИМКОНИЯТЛАР

ЭШИГИ КЕНГ ОЧИЛДИ

Айни пайтда «Тадбиркорга толе ёр», деб баралла айтсак бўлади. Бир неча кундирки, матбуотда эълон қилинган, тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган Президентимизнинг Фармон ва Қарорлари буни яққол исботлаб турибди. Пойтахтимиздаги «Genegous» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Фарҳод ОРТИҚҲУҶАЕВ ҳам бу борадаги ўз фикрларини биз билан баҳонидил ўртоқлашди.

— **Айтингчи, Президентимизнинг тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган сўнги Фармонларига муносабатингиз қандай?**

— Бир сўз билан айтганда, ушбу Фармон юртимизда бизнесни ривожлантириш борасида катта рағбатлантириш ҳисобланади. Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, тадбиркорликни ривожлантириш, ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш масаласи Юртбошимизнинг доимий эътиборларида. Президентимизнинг «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонидаги айрим бандларни такрор-такрор ўқиб чиқдим ва мамнулик ҳиссини туйдим. Ишмизда тўғаноқ бўлаётган айрим амалдорларнинг «таноби тортилишига» ҳамма бирдек ишонч билдирди.

Айниқса, Фармоннинг учинчи бандида янги ташкил этилаётган микрофирмалар ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини тўлаш мудда-

тини бир йилга кечиктириш, кечиктирилган суммани имтиёзли давр тугагандан кейин тенг улшларда 12 ой давомида тўлаш ҳуқуқи берилганлиги бозоримизни ўз маҳсулоти билан тўлдирман, деган тадбиркорга кенг имкониятлар эшигини очди...

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, авваллари кўтаринки кайфият билан ўз бизнесини юрита бошлаган тадбиркор «ортиқча даҳмаза» бўлган йигирматадан ортиқ назорат органларига, нафси ўпқон отган текширувчиларга толган-тутган даромадини едиравериб, фойда олиш қайда, сарф-харажатининг ўрнини ёполмай, ҳафсаласи пир бўлиб, қўлини ювиб, кўлтиққа урганларни ҳам кўп учратганман.

Сирасини айтганда, оқоридаги Фармон тўғрисида тадбиркорлик субъектлари ортиқча қоғозбозликдан озод этилиб, бу соҳадаги ҳисоботи тизими ва уни тақдим этиш тартибини халқаро амалиётга мувофиқ тарзда такомиллаштириш йўлида муҳим қадам қўйилди. Қолгани эса ўз қўлимизда.

«Тошкент» республика фонд биржасида банк тармоғини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

БАНКИРЛАР УЧУН СЕМИНАР

Семинарда таъкидландики, мамлакат раҳбарияти банк соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда. Жумладан, 2005-2007 йилларда Банк секторини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш дастури қабул қилинган, жорий йилнинг 15 апрелида эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори чиқди.

Мазкур ҳужжатларнинг амалга оширилиши йилдан-йилга ўз даромади ва миқозлари сонини ошираётган банклар фаолияти самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Бу эса аҳолининг уларга ишончи ортаётганини кўрсатади.

Давлат мулки қўмитаси раисининг ўринбосари, Қимматли қоғазлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директори М.Юнусматов хусусийлаштириш, акциялаштириш ва корхоналарни ишончли бошқарув жараёнларида республика тижорат банкларининг кенг иштирок этишини таъминлаш ҳамда фонд бозорига банкларнинг операцияларини анча кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

Семинарда тижорат банклари мутахассислари муқобил савдо майдончалари ва қимматли қоғазлар бозорига электрон савдо тизимларини ривожлантириш, банкларнинг капиталлашуви, эмиссия ҳисобига активларни кўпайтириш ҳамда берилган кредитлар ва бошқа активлар таъминоти учун тижорат банклари томонидан қара қимматли қоғазлари чиқарилиши бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш масалаларини муҳокама қилди.

Жамшид РАУПОВ,
ЎЗА мухбири

Тарихнинг шохидлик беришича, ўрта асрларда айрим каллақарор гуруҳлар масжид минораларидан туриб одамларни ўз тажовузларидан хабардор қилган. XIX асрда Болқондаги жангари тўдалар ҳам оммани ваҳимага солиш учун шунга ўхшаш усуллардан фойдаланган. Бугунги кунда эса замонавий ахборот технологиялари, интернет ва сунъий йўлдош тармоқлари халқаро терроризмнинг қудратли тарғибот куралига айланб қолди.

Буёқ Британия собиқ бош вазири Маргарет Тэтчер оммавий ахборот воситалари террорчилар учун баҳимсоли «кислороддек» зарур эканини таъкидлаб, террорни бундай оммавийлаштириш воситасидан маҳрум қилишга даъват этгани бежиз эмас.

Америкалик олим Пол Уилкинсон ўзининг «ОАВ ва терроризм: янги баҳо» деб номланган тадқиқотида ОАВ ва терроризм ўртасидаги муносабатни ўзаро боғлиқ занжирга қийёслади. Олимнинг фикрича, террорчилар телевидение ва матбуот воситасида қабих ёвузликларини бутун дунёга кўрсатиш ва шу билан нафақат аҳоли орасида ваҳима уйғотиш, ҳуқуқматлар аксилтеррор саяё-ҳаракатларининг самарасизлигига ишонтириш, балки айни пайтда ўз маслақдошлари ва хайрихоҳлари сафини кенгайтиришга ҳам интиладилар. Ўз наъбатиди, одамларнинг гаровга олиниши, самолётларнинг олиб қочилиши сингари кўнгилсиз воқеаларни ёритиш ОАВ тошабин-тингловчилари ёхуд муштарийлар сонини кўпайтиришга хизмат қилади.

Яна бир америкалик олим Алекс Шмид «Террорчилик ва

ОАВ» китобида Исломиёв жиҳод экстремист ташкилоти жангарилари Қоҳира — Рим йўналишидаги «ТВА» 847 самолёти Байрутга ўғирлаб қочгани воқеасини таҳлил этган. Унинг кузатишича, «NBC» телекомпанияси янгиликлар эфир вақтининг учдан икки қисмини 17 кун давомида гаровда ушлаб турил-

қайд этган эди. Журналистлар гоҳида ўзлари англаган ёки англаб етмаган ҳолда халқаро террорчилар «карнайи» бўлиб хизмат қилаётгани ҳақидаги фикрни, шунингдек, америкалик журналист Мэтью Феллинг «Террорчилар ОАВдан кураб сифатида фойдаланимоқда» («Cristian

журналист этикасига оид бундай танқидий нуқтаи назарларни келтираётганимиз бежиз эмас. Бундай мисоллар айрим ОАВ ўтмиш сабоқларидан ҳамон тўри хулоса чиқариб олмаётганликлари, вақтинчалик наф ортидан қувиб, халқаро ҳамжамиятнинг терроризмга қарши қаратилган саяё-ҳаракатларига тўғаноқ бўлаётганини англайди.

Шу вақтга қадар Ўзбекистонда рўй бераётган муҳим ўзгаришлар, ҳодиса-жараёнларга мутлақо бепарво бўлган айрим хориж ахборот воситалари олисдан туриб бир зумда Андижонни ўзлари учун «кашф этишди», бу шаҳарда юз берган фожеани олдиндан ясалган «қолип»ларда талқин эта бошлашди. Чунки мамлакатимизни ўз таъсир доирасига киритиш, миллий ўзликни заифлаштириш эвазига ҳумронликка интилган кучлар йўқ эмас. Ва бундай ОАВ буюртмачилар қўлидаги фитнес-фасод тарғиботчиси бўлиб хизмат қилаётганини ҳам англаш қийин эмас. Улар ўз виждони ва шаънини аллақачон бир ховуч пулга сотиб бўлишган.

Шу маънода ахборотни тажовуз қуролига айлантирган, Ўзбекистон суверенитетини писанд қилмай, мустақил давлатимизнинг ички ишларига очикдан-очик аралашаётган оммавий ахборот воситаларида АҚШ 16-президенти Абрам Линколннинг қўлидаги ибратли сўзларини эслатиш ўринли бўлади: «Сиз муайян вақтгача кўпчиликни ёки айрим одамларни доимо алдаб юришингиз мумкин. Аммо ҳаммани ҳар доим алдай олмайсиз».

Мардон ЁҚУБОВ,
«Жаҳон» АА
шарҳловчиси

Бугуннинг гани

ОАВ:

ҚОШ ҚЎЯМАН ДЕБ ...

Андижон воқеалари шов-шувга ўч, шумхабар илинжидаги айрим ГАРБ оммавий ахборот воситалари учун айни мудоаа бўлдики, ўз рейтингини ва даромадини ошириш ҳамда омма эътиборини чағитиш измида уларнинг ходимлари журналист касби учун энг муҳим бўлган ҳолислик ва беғаразлик тамойилини батамом унуттишди. Шу аснода воқеаликни бўрттириб сохталаштирган, ашаддий каллақарорларни «тинч намойишчилар» сифатида талқин этган, қурбонлар сони ҳақида ёлгон хабарлар тарқатган ана шундай ахборот воситалари халқаро террорнинг яна бир фитнеси тузюгига осонликча илиниб, ғаламис кучларнинг ташвиқотчисига айланиб қолди, десак муболага бўлмайди.

ган 39 нафар АҚШ фуқароси қисматини ёритишга бағишлаган. Журналистларнинг гаровга олинганлар ҳақида халдан зиёд «қайғуриши» алал-оқибат АҚШ ҳукуматига кескин таъкид ўтказиб, террорчиларнинг барча талабларини бажаришга мажбур этиди. Натияжада 39 нафар АҚШ фуқароси эвазига 756 ашаддий маҳбус қамоқхонадан озод қилинишига йўл қўйилди.

А.Шмид ўша кезлари Америка ОАВ халқаро терроризм учун ўзига хос минбар бўлиб хизмат қилгани, бу хол АҚШ маъмуриятининг террорчи гуруҳлар билан «музокара қилмаслик ва улар талабига ён бермаслик» ҳақидаги сиевсатига пугур етказгани ҳамда бундай хуружларни келгусида яна такрорланишига имконият яратиб берганини

Science Monitor» 2004 йил 4 август) сарлавҳали мақоласида билдиради. Унинг фикрича, сўз эркинлиги чекланмаган шароитда фаолият кўрсатаётган ГАРБ журналистлари терроризм хуружи билан боғлиқ воқеаларни ёритишга эҳтиёткорлик ва масъулият билан билан ёндошшилари ҳамда террорчиларга қамроқ эътибор қаратишлари лозим. Акс ҳолда улар ёвуз кучларнинг ҳамтовогога айланиб қолади. «Американинг 24 соатлик телеканаллари ўз рейтингларини ошириш илинжида аслида душманга ёрдам беришмоқда. Бу каби муносабат террор халқларини оммавийлаштириш ва рағбатлантириш билан баробардир», деб ёзади М.Феллинг.

Хориж кузатувчиларининг

Мақаният

**ЎЗИГА ХОС
ЖОЗИБА**

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи яқин вақт ичида янада чиroy очиб, пойтахтликларнинг севимли дам олиш масканига айланади. Шу муносабат билан бу ерда қайта бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда.

Бу сўлим гўшага кириш жойи ҳам ўзгача манзара касб этади.

Боғга катта дарвозадан кириб борилади. Кириш қисми дарвозаси ўзига хос миллий амалий санъат кўринишида сайқал топди.

Лойиҳага кўра, кираверишдаги майдончада фаввора ҳавзаси бунёд этилади.

Бундай миллий услубда ишланган дарвоза лойиҳаси Тошкент архитектура ва қурилиш институти талабаси Фахриддин Азимов томонидан яратилганлиги билан ҳам қизиқарлидир.

“ФАЙЗ-

**ФИЛЬМ”НИНГ
ЯНГИ ФИЛЬМИ**

Ўзбек кинофильмлари жанр жиҳатдан рангбаранг бўлиб бормоқда. Каскадёрлар иштирокида яратилаётган экран асари ҳам яқин орада томошабинлар эътиборига ҳавола қилинади.

“Файз-фильм” студияси томонидан суратга олина бошланган мазкур постановка “Қора Дарвешнинг амали” деб номланди.

Автопойга ва ҳалокатлар, жаҳолат ва ғафлатга қарши кураш воқеалари экранда усталик билан намойиш қилинади. Ролларни автопойга бўйича спорт усталари ҳам ижро этишаётир.

**“97-ХОНА”
САҲНАДА**

Аброр Ҳидоятлов номидаги драма театри репертуарида томошабинларни хаяжонга соладиган спектакллар кўп. Уларнинг аксарияти таниқли режиссёр Баҳодир Йўлдошев томонидан маҳорат билан сахналаштирилган.

Моҳир санъаткор бу йил ҳам мухлисларни янги постановкалар билан хушнуд этиб келмоқда. Яқинда сахна юзини кўрган “97-хона” спектакли ҳам яхши кутиб олинди. Долзарф ҳаётини воқеалар асосида тайёрланган бу асар театр актёрлари истаги билан юзага келди. Унда атоқли режиссёрнинг ўзига хос бадий маҳорати намойён бўлди.

Ақбар АЛИЕВ

Республикамиз солиқ хизматини янада такомиллаштириш, солиқ тизимига ўқори ва ўрта бўғин мутахассисларини етказиб беришдек муҳим вазифани Давлат солиқ қўмитаси тасарруфидаги Солиқ Академияси ва урта солиқ коллежлари амалга оширмоқда.

Ўқишга нарҳаман!

ЗАМОН ТАЛАБИГА МОС

Давлат солиқ қўмитаси ўқув юртлари ичида энг тўнғичи бўлган Тошкент солиқ коллежи 1998 йилдан фаолият кўрсатиб келмоқда ва ўтган 7 йил ичида Республика солиқ хизмати тизимига 974 нафар мутахассисларни тайёрлаб бериш билан мамлакатимизда солиқ хизматининг ривожланишига ўзининг сезиларли хиссасини қўшмоқда. Юқоридаги битирувчилардан 120 нафари коллежини имтиёзли диплом билан тугатган мутахассислардир. Хозирги кунда Тошкент солиқ коллежини битирганлардан 194 нафари Солиқ академиясида, 27 нафари бошқа олий ўқув юртларида таълим олмақдалар, қолганлари эса солиқ қўмитасининг ҳудудий солиқ инспекциялари бўлимларида турли лавозимларда ишлашмоқда.

Коллеж раҳбарияти ва ўқитувчилар жамоасининг бугунги кундаги асосий мақсади таълим ва тарбия жараёнида Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунини ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга татбиқ қилишдан иборат бўлиб, давлатимиз солиқ тизимига халқаро андозаларга мос келадиган, рақобатбардор мутахассис кадрларни тайёрлашдан иборат.

Коллежда ўқув режасидаги фанларни ўзаро бирлаштирган 6 та кафедра мавжуд бўлиб, уларда 30 дан ортиқ профессор-ўқитувчилар ўқувчиларга тур-

ли фанлардан билим бермоқдалар. 2004-2005 ўқув йили коллежда «Солиққа тортиш» мутахассислигидан ташқари яна 2 та янги «Бухгалтерия ҳисоби» ва «ЭХМ ва компьютер тармоқлари» солиқ идораларида ишлатиш» мутахассисликлар бўйича бўлимлар очилган бўлиб, 2005-2006 ўқув йилида ҳам юқоридаги 3 та мутахассислик бўйича ўқувчилар қабул қилинади.

Коллеж битирувчилари мутахассислиги бўйича давлат андозасидаги дипломдан ташқари, автомобиль тайёргарлиги бўйича Давлат автомобиль назоратидан имтиҳон топширганларидан сўнг «В» тоифадаги ҳайдовчи гувоҳномасини ҳам оладилар.

Коллежда ўқув жараёнида замон талаблари асосида ташкил қилиш мақсадида ўқитишнинг ноанъанавий усуллари билан замонавий компьютер технологияларидан фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. Коллежда замонавий компьютерлар билан жиҳозланган 4 та компьютер хонаси, интернет тармоғига уланган электрон кутубхона, меъёрий талаблар даражасида жиҳозланган 3 та автомобиль хонаси, хорижий тилларни ўқитиш учун 2 та лингафон хонаси, ёшларни чақирқача тайёрлаш бўйича ҳарбий тайёргарлик ва фуқаро муҳофазаси хоналари, умумтаълим фанлари бўйича физика ва кимё

лабораториялари, фан хоналари, 20 мингдан ортиқ китоб фондига эга бўлган кутубхона, 100 ўринли қироатхона ва тадбирлар ўтказиш учун 270 ўринли мажлислар зали мавжуд бўлиб, уларда ўқувчиларнинг фойдаланишлари учун барча шароитлар яратилган.

Шунингдек, билим масканида ўқувчиларни соғломлаштиришга ва уларнинг спорт турлари билан мунтазам шуғулланишларига катта эътибор қаратилган. Шу билан бирга, спорт зали, тренажёр хонаси, спорт турлари бўйича ёғи спорт майдончалари мавжуд. Шунинг ҳам таъкидлаш керак, вилоятлардан келган ўқувчиларнинг яшашлари учун замонавий ётоқхона мавжуд бўлиб, маънавий ва маърифат хоналари, дам олиш хоналари, ошхона, тиббиёт хонаси, стоматология хонаси, санитария-гигиена хоналари ўқувчилар хизматида.

Ўқувчиларнинг дарсдан ташқари вақтларини самарали ўтказишлари учун 10 дан ортиқ фан тўғрақлари, 8 турдаги спорт тўғрақлари ва бадий ҳаваскорлик тўғрақлари фаолият кўрсатмоқда, уларга коллеж ўқувчиларининг асосий қисми жалб қилинган. Ўқувчилар билан ўтказиладиган барча маънавий-маърифий, бадий ва спорт анжуманлари ҳам коллежнинг «Маънавият ва маърифат» бўлими ходимлари ва коллежнинг «Қамолот» ЕИХ бошланғич ташкилоти етакчилиги бевосита бошчилик қилади.

Юқоридаги тадбирларни режалаштиришда ва ўтказишда коллеж «Маънавият ва маърифат» бўлимининг ўрни катта.

Хулоса қилиб айтганда, коллежнинг таълим-тарбия жараёнидаги фаолияти ёшларни замон талабиди мутахассислар қилиб вояга етказишга қаратилган.

Олия ШАРАФУТДИНОВА

Асосий Қонунимиз бўлиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқуқлари, қадр-қиммати олий қадрлати сифатида эътироф этилган ҳаммамизга маълум. Бирок, яқин тарихимиздаги узоқ йиллар мобайнида расман Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси деб номланган, амалда эса бошқа иттифоқдош республика-

иктисодий соҳага оид жиноятларни оладиган бўлса, илгари билиб-билмай бир неча сўмининг тўлон-тарош қилинишига йўл қўйган моддий жавобгар шахс ёки харидор қаҳидан 10 тийин ортиқча олиб қолган сотувчи озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, янги қонунда агар айбдор ўзи етказган зарарни қоллаган тақдирда унга озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш

лиш савдо» фирмаси ва хусусий тадбиркор Мухамедов ва Фотима ўртасида гўёки воситачилик қилиб, алдаш йўли билан 5 миллион сўмликдан ортиқ маблағни ўзлаштириб юборган. 2004 йил 30 апрелдаги ҳукм бўйича 6 йилга озодликдан маҳрум этилди ва Амнистия актига кўра у мазкур жазодан озод этилди, суд залида хиёбатдан чиқарилди. Шу ўринда албатта Президентимизнинг Амнис-

мумкин. Яъни, жанжаллашганлар судгача ярашиб олишса, низо ўзаро бартараф этилса, суд уларнинг ярашганини эътироф этувчи Ажрим чиқаради, вассалом. Ва бунда, энг асосийси, айбланувчида «судланган» деган хунук тамға ҳам қолмайди.

Масалан, туман судимизда 2005 йил 12 май куни бўлиб ўтган суд мажлисида айбланувчи А. Халиповга нисбатан жиноят иши бўйича Ажрим чиқарилди. Ёши эллиқдан ошган, катта қорхонада цех бошлиги лавозимда ишлайдиган бу одам ўз уйида хотини билан жанжаллашиб, тан жароҳати етказган. Эр-хотиннинг уруши — доқа рўмоннинг қуриши деганларидек, турмуш

Ҳуқуқ

ИНСОН ШАЪНИ — МУҚАДДАС

**ЖИНОЙ ЖАЗОНИ ЕНГИЛРОҒИ БИЛАН АЛМАШТИРИШ,
МАҲКУМЛАРНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ЖАЗОДАН ОЗОД ЭТИШ
ҲУҚУҚИЙ-ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ОМИЛДИР**

белгиланди. Бу эса инсонни арзимаган жинояти учун бирақийла маънавий “синдириш” амалиётига барҳам бериш билан бирга, жаҳондаги тараққий этган мамлакатларнинг жиноят қонунчилиги ҳам монанд келадиган ҳолат демекдир. Масалан, туман судимизда 2005 йил 15 февраль куни ўқилган ҳукм бўйича ҳали ўттизга ҳам тўлмаган Рустамжон Дадабоевга жазо чораси белгиланди. У “Тошиссиққувват” ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ҳамза туман бўлимида иктисодчи-муҳандис сифатида ишлаб, иссиқлик ва иссиқ сув учун аҳоли тўлаган қарзлардан 4 миллион сўмга яқинини ўзлаштириб юборган. Тергов даврида бу зарар қисман қопланган. Шунинг билан олиб, унга уч йил озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 7 декабрдаги “Амнистия тўғрисида”ги Фармони билан бу жазо учдан бир қисмига қисқартрилди. Ёки бошқа бир мисолни кўрсак. 1973 йилда турилган Дониёр Имомов “Техкури-

тия тўғрисидаги қатор Фармонлари маҳкумларни жазони ўташдан муддатидан илгари озод этиб, уларни тезроқ оиласи, бола-чақаси бағрига, жамиятга қайтариши юқаси инсонпарварлик намунаси эканини таъкидламоқ керак.

Жиноий жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги Қонундаги яна бир улкан воқеа, бу — яраштирув институтининг вужудга келишидир. Илгари бир-бири билан гап талашиб қолиб, беҳосдан қўл кўтаришдан эр-хотинлар, қизиқ устидан мушталашган оғайниллар, зиддиятга борган кўниқушниллар ўртасидаги жиноят ишлари ҳам, гарчи бу иш судга етиб боргунча айбланувчи ва жабранувчилар ҳуворидан тушиб, ярашиб улгурган бўлсалар-да, суддулар жазосиз қолиши мумкин эмасди. Ва бу жазо кўпинча озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўларди. Яраштирув институти эса мана шундай бедодликларга чек қўйди. Ҳозир Жиноят кодексининг оз эмас, кўп эмас, 28 та моддаси бўйича яраштириш актини қўллаш

ўртоғи З. Халипова эри билан ярашиб олгани, унга даввоси йўқлиги, жиноят ишини ярашувга асосан ҳаракатдан тугатишни сўраб ариза олиб келди ва у қаноатлан тирилди. Илгариги қонун бўйича эса бу асло мумкин эмасди, йўқ, сен давво қилмасанг ҳам давлат буни кечирмайди, деб “муштмзўр” эрни албатта икки-уч йил қамоққа тикилар эди. Натижа-чи? Болалар боқувчисидан, ота меҳридан маҳрум бўларди, жаҳдан тушган хотин эса фарзандларининг мўлтираган қўлига қараб афсус-надоматда...

Ҳа, Мустақиллик шарофати туйғайи шахсан Юртбошимизнинг ташаббуси ва раҳнамоллигида вужудга келган Жиноий жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги Қонун бугунги ҳаётимизда инсоннинг қадр-қимматини ерга урмаслик, инсон шаънини ардоқлаш борасида улкан воқелик бўлди, деб баралла айтишимиз мумкин.

Улғуй ИНОМЖОНОВА,
Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Ҳамза туман судининг расми

Биласизми?

ОДАМХҲР
ЙЎЛБАРСЛАР

Бангладеш кўрфази соҳилларида жойлашган чакалакзордаги Сундарбан кўриқхонасида бу йил камиди 20 киши йўлбарсларга ем бўлган. Бангладеш жанабуғидаги ана шу кўриқхонада ноёб жониворларнинг кўпгина турлари, шу жумладан машҳур бенгал йўлбарси яшайди.

Кейинги вақтларда йўлбарсларнинг одамга ҳужуми кўпайиб кетди. Маҳаллий аҳоли — дарахт кесувчилар, балиқчилар биринчи навбатда азият чекишмоқда. Фақат расмий маълумотларга қўра, кейинги ўн йил мобайнида қарийб 200 киши одамхўр йўлбарслар ҳужумидан ҳалок бўлган. Лекин бенгал йўлбарсларининг ўзи ҳам камайиб бормоқда. Териси ниҳоятда чиройли бўлганлиги учун ҳам уларни аёвсиз овлашмоқда. Сингапур, Малайзия ва Таиландда йўлбарс терисининг бозори жуда чаққон.

ЗАМОНАВИЙ
МИРЗА

Америка Қўшма Штатларидаги Питтсбург шаҳрида истикомат қилувчи Энди Шмидт мирзанинг эндиликда унутиб юборилган ҳунарини эслаб тирикчилик қилишининг галати йўлини топди. У севги мактубларини ёзади. Буюртмачининг истагига боғлиқ ҳолда мактуб жиддий ёки орзу-истакларга тўла, ёхуд ҳазиломуз ҳамда ҳис-ҳаяжон билан ёзилиши мумкин. Эндиининг таъкидлашича, ёзиб берилган мактуб учун олинандиган ҳақ унча кўп эмас. 400 сўздан иборат мактуб учун буюртмачи 25 доллар тўлайди. Замонавий мирза мижозларнинг йўқлигидан шикоят қилмайди.

ПОЛИЦИЯ
БОШЛИГИ—
ЖИНОЯТЧИ

Канадининг Садбери шаҳрида 111 та жиноятни содир қилишда айбдор бўлган Франк Леброн деган кимса қўлга олинди. Дастлабки тергов вақтида унинг 5 марта қулф бузиш, 33 марта ёлғон кўрсатма бериш ва 23 марта пора олиш билан боғлиқ бўлган жиноятда иштироки борлиги аниқланди. Бироқ, тезда жиноятчини озодликка чиқариб юборишди. Гап шундаки, бундай катта жиноятлар содир қилишда айбдор бўлган Франк Леброн ҳибсга олинганга қадар Садбери шаҳрининг шерифи (полиция бошлиғи) вазифасини эгаллаб турган.

Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида.

— Ҳа-ҳа, ўшамен!.. Хали тирикмен!.. Шайтонмен!.. Шайтони лаяинмен! Мени чириб-чириб йўқ бўлиб кетди, деб ўйлардингизми, ҳазратим? Йў-ў-ўк, мени ҳеч ким ўлдиролмайди! Менга ўлим йўқ!.. Ҳо-ҳо-ҳо!..

Телбаларча кулгусидан мағрур Зиндачашм опардий энди бошини кўтариб гапирар, чап қўлида ҳам пичоқ пайдо бўлганди. Унинг ҳозирги тутуми ўлар ҳўкиз болтадан тоймас, мақолини эсларди.

— Мен ўша, бутун умр Хуросон салтанатини қуришни орзу қилган Шибиргон ҳокимимен! Неча марталар сизни гумдон қилишга бел боғлагондим, Каросмонда ўзим сизни панадан отиб ташлаб бир хумордан чиқмоқчидим, афсуски, бўлмади қолди... Ҳозир ҳам сизни асфалософилига жўнатишга келгондим. О... сизни ўлдириб ўлсам армоним бўлмасди, бўлмасди!..

v

...Лўлахожа, ўзини соқов қилиб кўрсатган чопар, — чиндан ҳам бир пайтлар Шибиргон ҳокими бўлган, кўп марта хиёнат қилиб Амир Темур томонидан кечирилган Зиндачашм опардий эди. Каросмон воқеасидан кейин, ҳамма унга қандай жазо бериларкин, ёки яна кечириларкин, дея қизиқиб кўтарди...

Кўл-оёғи боғланиб Кўксаройнинг тор ҳужрасига ташланган Зиндачашм опардийни даставвал умрбод ҳибсда сақлашни керак, дея тушундилар, чунки Шибиргон ҳокимига осилсун ёки ясоққа етказилсун, деган аниқ ҳукм чиқарилмаган эди. Аммо кўпни кўрган кадҳудолар Амир Жоку барлос билан Амир Улжайту опардийлар ўзаро кенгашиб, фармон Амир Темурнинг сажъисидан келиб чиққан ҳолда меҳрибончилигию мурувватпешалиги туфайли берилганлигини ҳисобга олиб, вазиятни, Зиндачашм опардийнинг беқарор фель-атвори ҳамда кирдиқорларини тарозига солиб кўриб, уни тирик қолдириш салтанат учун хатарлидир, агар бир кунмас бир кун тасодифан соҳибқирон кўриб қолсалар, бунинг учун ким жавоб беради, яхисини ими-жимиди у дунёга жўнатиш керак, деган қатъий қарорга кўндилар... Амир Хусайн воқеасида ҳам шундай бўлганди. Зиндачашм опардий ундан ҳам бадбинроқ, дучандон ёмонроқ... Хуллас, уни қатл қилиш хиёбона мутаассиди қаттиққўллик билан ном чиқарган пахлавон келбатли Салмон опардийга топширилди ва икки кундан кейин у: "Ҳукм кечаси ижро этилди.", дея далолат қилди... Бу гап атрофга яшиндай тарқалди. Эшитганлар, бадбахт қилмишига яраша жазосини олибди, дея эдилар...

Аммо... Салмон опардийнинг амирларга айтган жавобида фақат "кечаси" сўзигина ҳақиқатга мос келарди. Чиндан ҳам бу иш кечаси, қоқ ярим тунда рўй берди, фақат... Зиндачашм опардий ясоққа етказилмади, балки эл қаттиқ уйкуга кетган вақтда, кечаси... пинҳона кочириб юборилди...

"Шибиргонда мендан кўрган яхшиликларинг эсиндан чиқдиму?... Ҳаммасига, Зиндачашм опардийни ясоққа етказдим, дейсен, вассалом... — аврарди Салмон опардийни Шибиргон ҳокими. — Ҳор қилиб нимталлаб ташладим, де! Энди Зиндачашм опардий йўқ, ном ҳам топиб қўйдим, мени ҳеч ким кўрмайди, бу ердан чиқшим билан Лўлахожа бўламен... Шерозлик Лўлахожа!.."

Зиндачашм опардий кўп зору таваллолар қилди. Салмон опардий охириқибат Шибиргон ҳокимининг иддаоларига дош беролмади... Милодий 1372 йил ёзида Зиндачашм опардий Лўлахожа бўлиб пана-пасткам йўллардан юриб Марвга етиб борди, у иложи борича Самарқанддан йироқроққа, уни танимайдиган жойларга кетишга тиришарди. Ким сўраса, шерозлик хонавайрон бўлган амирнинг ўлимен, дерди. Йўлларда ўзининг ўлгани ҳақида хабарлар эшитди. Махшаҳда карвонсаройда мовароуннаҳрлик бир тужжорнинг ўз шерикларига шу ҳақда га-

пири бераётгани кулоғига чалиниб қолди. Эмишки, соҳибқирон: "Ортиқ кўзимга кўрсатманлар!" деганларидан кейин, ҳуморин урдудан олиб чиқишибди, уни бошини тандан жудо қилишибди. Бошини соҳибқиронга олиб бориб кўрсатишибди... Соҳибқирон: "Лаянатлар бўлсун!" деб бошни тепиб юборганмиш!.. Буни эшитган Зиндачашм опардий мушти қизилганча аламли тиржайди.

Махшаҳдан сўнг кеза-кеза Шерозга келиб қолган Зиндачашм опардий фақир киши панада, қабилида иш тутди, ўзини ҳеч кимга билдирмади. Тирикчилик деб, ҳар кўчага кириб чиқди, гўлаҳ бўлди, ҳаммоллик аробасини тортиди, боғларга қаради, бозор супурди, пода боқди, тезак терди, карвонсаройларда қоровуллик қилди... Ит ётиш, мирза туриш, деган ибора атай унинг учун тўкиб чиқарилгандай эди... Хатто бир марта, нега Кўксаройдан чиқдим, Салмон опардий қўлида ўлиб кетсам

Ўзбек адаблари — "Оқшом" қўғи

Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

УМАРШАЙХ МИРЗО
(“УЛУФ САЛТАНАТ” ТАРИХИЙ РОМАНИНИНГ
ИККИНЧИ КИТОБИДАН БОБЛАР)

бўлмасмиди, барча азобу укубатлардан қутулдим, дея афсус ҳам кечди. Унинг устига, ҳамма жойда катта-кичик Амир Темур салтанатининг нуфузи ортиб бораётгани ҳақида гапирар, ана Хоразмни олибди, мана Мўғулистонни забт этибди, дея ҳавосат қилардилар. Аста-аста буюк Хуросон давлатини тузиш орзуси ҳам қўл етмас нарса эканлигини ҳис қила бошлади. Зиндачашм опардий подшолик қиладиган Хуросон давлати ҳеч қачон рўёбга чиқмайдиган орзу экан ҳолос... Барчаси бўлмайдиган нарса, сароб экан, унинг умрини совуриб адои тамом қилган сароб...

Йиллар ўтарди. Бир кунги ҳамма нарса жонига теккан Зиндачашм опардийнинг хаёлига мудҳис бир фикр келди: "Амир Темурдан ўч олиш! Ноҳақ кетган Амир Кайхусрав ва бошқа дўстлар қасосини олиш!..Қасос! Қасос! Қасос!.."

Зиндачашм опардийнинг қисқ кўзларида ёқимсиз нур йилтиради. Амир Темурни ўлдириб ҳақидаги фикр унинг миёсига қаттиқ ўрнашиб олди ва қасос палагда ҳаётининг бош мақсадига айланди. Бу мушкул иш учун у албатта Самарқандга бориши керак... Соҳибқиронни ўз кўзи билан кўриши, унга бир-икита айтадиган гапларини айтиб олиши ва ўз қўли билан... ўлдирибди керак!! Ух-ху!.. Самарқандга бориш... Қандай боради? Қандай кўради? Кўксаройга қандай киради?... У йўлбай ўйига етолмасди, аммо ҳар гал соҳибқиронни ўлдиргандан кейин юз беражақ вазиятни тасаввур қилганда кўнгли яшнаб кетарди...

Зиндачашм опардий ана шундай ҳаёллар оғушида шаҳар марказидаги улкан карвонсаройнинг чап томонида супуриб-сидириш билан кун кечириб юрарди.

Жавзо бошлари эди, шом маҳали, иттифоқо, ҳужралардан бири олтидан ўтаётганда қутилмаганда шундай сўзларни эшитиб қолди:

"...Самарқанддан чиққанамизга қанча бўлди, Амир Сайфиддин жаноблари?.." — деб сўради қимдир.

"Ҳўш... эй Хинду Қарқара, кун ўтаберар экан, бир йилдан ошиб қолди..." — жавоб қилди иккинчиси...

Ҳужрадагилар, чамаси, суҳбатни хийла аввал бошлаган эдилар. Зиндачашм опардийнинг кулоқлари динг бўлди. "Ие! Самарқанд, дейдирму?... Амир Сайфиддин?!.. Темурбекнинг қалин дўсти?... Хинду Қарқара қипчоқ?... Бу ерларда нима қилиб юришибди? Улар ҳам бадарга қилинибди-да?... Хайрат, ёлғизгина Зиндачашм саргардон бўлиб юргани йўқ экан..." У супургини ушлаганча деворга қанишиб астойдил суҳбатга қулоқ сола бошлади.

"Энди, йўқ деймайсиз, Сизга бир юмуш бор, Хинду Қарқара қипчоқ жаноблари!

"Амирингизга тайёрен! Овозимиз бироз кўтарилиб кетди. Секинроқ гапирайлик, бироз эшитмасун... Ахир деворда ҳам..." — деди нимагадир Хинду Қарқара қипчоқ.

"Бе... Ким эшитиди? Бегона юрда бўлсақ... Бизни ким ҳам танирди. Бир мактуб битдим..."

Шу палла, Зиндачашм опардий, аксига олиб, бирнеча одамнинг дарвоза томондан шошилмай гурунглашиб келаятганини кўрди-ю ноилжо девордан кулоғини олди ва ер супуришга тутинди. Ниҳоят имиллаган одамлар ўтиб кетишди.

"... Сўзларимни уқдингиз-а! Амир соҳибқиронга ўз қўлингиз билан топширурсиз. Бировга инонмангиз. Иншооллоқ, Самарқандда кўришгаймиз..."

Зиндачашм опардий хайратда қолди, худонинг унга раҳми келиб, ол қулим, ниятингга ет, бу ёғини энди ўзинг ўйла, дегандай эди... Ҳа, соҳибқиронга Амир Сайфиддин неқўз мактубини Хинду Қарқара қипчоқ эмас... Зиндачашм опардий — "Лўлахожа" етказиши керак!..

Шибиргон ҳокими эртаси куни Хинду Қарқара қипчоқ билан қорам-қора Самарқандга жўнади...

— Ижозат берингиз, Амир соҳибқирон! Буни тилкапорасини чиқарай, ит эмгани!.. Дунёга келганга пушаймонлар есин! — деди кўзи қонга тўлган Мубашшир баҳодир...

— Яқинлашма!!! Яқинлашма, деяман!! Ҳо-ҳо-ҳо!.. — Зиндачашм опардий гезариб кетган эди. — Тилка-порамни чиқарармиш!.. Чиқарасен-а чиқарасен!..

Мубашшир баҳодир ортиқ чидаб туролмади, Амир Темурдан ишора қутганча ҳам бўлмади Зиндачашм опардийга яқинлаша бошлади. У томонда ясовуллар бўйруқ кутиб сергақ турардилар.

— Тирик ушлансун! Ўлдирилмасун! — амр этди шу палла соҳибқирон...

Зиндачашм опардий телбаларча хоҳолаб юборди: — "Тирик ушлансун! Ўлдирилмасун!..." Ҳо-ҳо-ҳо!.. Мени тирик ушлармишлар!.. Аҳ-а-а!.. Кел! Кел... Ўламен десанг, келавер!.. Келавер!! — У ялтираган икки пичоқни ўйнатиб атрофдагиларга таҳдид қилар эди.

Мубашшир баҳодир ясовулларга: "Тиг ишлатилмасун! Ўраб келинсун!" дея қичқирди ва... қутилмаганда қолпанди Зиндачашм опардийга ташланди! Лекин айни шу палла, балки бир лаҳза олдинроқ, Зиндачашм опардийнинг қаттиқ инграб юборгани эшитилди! У қўлида ялтираб турган пичоқни шартта ўзининг чап қўсига санчган эди!.. Мубашшир баҳодир ерга қулаётган Зиндачашм опардийнинг жонсиз танаси устига бориб тушди!..

Бир мўйи ҳам титрамаган Амир Темур жойидан жилмай хотиржам кузатиб турарди.

Бу воқеа худди тушда юз бергандай бўлиб ўтди... Ҳеч ким ҳеч нарса демасди.

Ясовуллар Зиндачашм опардий жасадини ташқарига олиб чиқа бошладилар.

— Шайтони лаяиннинг бурчалар ўзига пичоқ урар даражада мардлигини билмаган эканмен... — Истеҳзоли деди Амир Темур, хаёлидан эса: "Халлоқ безаволга салламон!.. Қабхот бандаларига дучор қилиб омон сақлаганинга шукр!.." — деган сўзлар кечди.

— Жуфтани ростилаб қолди бадбахт — деди Мубашшир баҳодир. — Тирик тутганимда... Эҳ! Фурсатни қўлдан бериб қўйдим!..

— Мансабга тайинланганидан сени парвардигор синовдан ўтказмакчи бўлди шекилли... Ушбу бадкорни бизларга рўбарў қилмишдур. Ҳўшёрлигинга номоён эдинг, баҳодир! Баракалла!.. — Амир Темур илиқ сўзларини аямади.

— Бахтимизга узоқ йиллар омон бўлингиз, валинеъмат соҳибқирон!.. — Мубашшир баҳодирнинг кўнгли тўлиб кетди. — Бир жонимиз эмас, минг жонимиз йўлингизда фидо бўлсун!

Давоми келгуси сонда.

Ошлар даврасида сўхбатлар

ТАФАККУР КАМОЛОТИ

- Кафасда яшашга ўрганманг, акс холда сизда на эътикод, на ғурур қолади.
- Тирикман дедингизми демак, ҳар куни сизда бирон бир ўзгариш бўлмоғи керак. Фақат у яхшилик бўлсин!
- Тутқунликда яшаш номардлар учун ҳаёт. Мардлар эса бунга бардош беролмайдилар.
- Ҳаётда бу ҳайвон яхши, буниси ёмон дейиш адолатдан эмас. Чунки эшак қилган ишни от қилолмас. Демак, ҳаммаси ўз ўрнида яхши ва керакдир.
- Нурга яқинлашган — нурланасиз, тунга яқинлашсангиз тунланасиз.
- Тузсиз одамни тузда чўмилтирсангиз ҳам барибир ўша ўшалтига қолади.
- Келин ҳеч қачон борган оиласига қиз бўлолмайди, лекин шунга юракдан интиласа у бахтли, тахтли бўлиши аниқ.
- Бошқаларга ақл ўргатиш донолар иши эмас, уларнинг вазифаси доно фикр айтиш, холос.
- Ёшлик, гўзаллик, бойлик ва амал бир умрга берилмайди. Улардан вақтида фойдаланиб қолишингиз мумкин. Бахтли бўлмаган десангиз ақл йиғинг, у эскимайди ва бир умр сизга йўлдош бўлади.
- Хотиржам уйкуга кетиш ва кушдек бўлиб енгил ўриндан туриш ҳам бахт.
- Террорчи — бой бўлиш учун ҳамма ишга тайёр турувчи кимса. Порахўр, таъмагир, юлғич, олибсатар террорчининг укаси эмасми, ахир улар ҳам бойлик деб пасткашлик қилишадилар-ку.
- Озга сабр қилган кўпга эришади, дейишди, синаб бўлинг.
- Соғлиққа ҳам, бетобликка ҳам ўзимиз сабабчимиз-ку, нега нолийимиз.
- Касалликна деманг, шифохона денг — бу тўғри бўлади.
- Ўтмиш эшигини беркитиб қўйиб келажак эшигини ахтарманг, барибир тополмайсиз.
- Мартабангиз даражасини мансабсиз қолганингизда аниқ билиб оласиз.
- Тандининг иссиғига чидаган новвой хар кун иссиқ нон ёйди.
- Сассиқ оғиздан ширин сўз кутманг.

Абдураим ота билан ён кўшнимиз. У билан тез-тез сўхбатлашиб турамыз. Шундай вақтларда у киши менга ҳаётини воқеалардан, ибратли ҳикоятлардан сўзлаб берадилар. Яқинда отахон билан яна ғурунлашиб қолдик. Мавзуларимиз тўйлар ҳақида, нон исрофгарчилиги ва кўни-қўшничилик ҳусусида борди.

— Куни кеча ёшликдаги дўстим Каримжоннинг ўғлиниқига тўйга борган эдим, — дея сўз бошлади Абдураим ота. — Унинг ёлғиз фарзанди аржуманди Содиқбой катта бир қорхонанинг хўжайини. Ўша элга ош бериб, ўғлини уйлантирди.

Кечқурунги сабази тўғрар йиғинини кўриб оғзим очилиб қолди. Дастурхон тўқин, мева-чеваларнинг сероблигидан

кетгим келди-ю отасининг хотирасини қилиб ўзимни оғирликка олдим. Лекин билдимки, у ўз обрўси йўлида ҳамма нарсани қурбон қилишдан тоймайдиганлар тоифасидан. Бўлмаса исрофгарчиликни обрўга олиб келиб тақамасди. Унга тикилиб туриб ёшликдаги бир воқеани эслаб кетдим.

Уруш йиллари эди. Ҳар куни оиламизга бериладиган талонга нон олиш учун дўконга чиқаман. Шундай кунларнинг бирида нон олиш навбатига турган эдим, бирдан 8-9 ёшдаги бола қичқириб қолди. Кимдир бечоранинг қўлидан нон учун берилган талонини олиб қўйибди. Бундоқ қарасам қўшнимиз Содиқбой.

— Нонга онанг чиқса бўларди-ку. Ахир талонни ёш болага ишонадими киши, — дедим кўйиниб.

— Ойим касаллар.

ЎТМИШИНИ УНУТМА

БЎЛГАН ВОҚЕА

кўз қамашади. Биргина ноннинг ўзидан уч-тўрт хили столга териб қўйилган. Седанали, магизли, жиззали, гўштли. Бу новвой тушмагур ҳам бор маҳоратини ишга солган шекилли, ноннинг бежирмилигини томоша қиласиз. Санъаткорларнинг-ку қўяверинг: бири келиб, бири кетиб турибди. Яна ҳаммаси номдорлар. Қистириқ пуллар сув бўлиб оқаяпти. Хуллас, десанг болам, анжуман катта. Ё тавба, дейман ўзимга ўзим, сабази тўғрари шунақа бўлса, эрталабки оши танакка бўларкин.

Маст-аласт таркагач, Содиқбойни имлаб чакирдим. Тўсатдан қаттиқ-қуруқ гапириб қўймай, деб олдинга тўйнинг таърифини келтирдим. Кейин гапни айлан-тириб эрталабки ошга қанча ғуруч дамламоқчи эканлигини сўрадим.

— 200 килограмм дамласам, етиб қолар дейман, ота, — дейди у нонга жилмайиб. Капалагим учиб кетди.

— Ҳой бола, замонга қараб иш қил, — дедим ранжиган бўлиб.

Кейин ортиқча исрофгарчилик қилиш керак эмас, деган маънода гапирсам, Содиқбой тушмагур нима дейди дегин.

— Бировдан камчилигим йўқ, топиш-тўтишим яхши, биздақа эл-юртнинг тўйини еб юрган кишиларга хасислик ярашмайди. Бунинг устига озиб-ёзиб қураётган тўйимиз. Шундай экан, дастурхон тўқин бўлиши керак. Қолаверса, пул, молдунё топилади, лекин обрў топилмайди. Шу арзимас харажатни деб мисқоллаб топган обрўийимдан айрилишни истайман, ота — дейди.

Очиғи, ўша гапдан сўнг Содиқбой кўзимга галати кўриниб кетди. Бир кўнглим "бор-з", деб этакни қоқиб чиқиб

Нон олгунимча Содиқбой бир чеккада йнглаб тураверди. У тинимсиз ҳўнғарди-ю, лекин кўзи одамлар қўлидаги нонга боқиб жавдирарди. Аранг нон олиб Содиқбойни етаклаб йўлга тушдим.

— Ойингга нима қилди?

— Дадамдан қора хат келди. Шунга ойим касал бўлиб қолдилар.

Ҳушимдан айрилиб қола ёздим. Вой мен аҳмоқ, дейман ўзимга-ўзим, наҳот қонажон дўстим Каримжондан айрилиб қолган бўлсаю мен шу вақтгача беҳабарман.

Беихтиёр қўлимдаги нонни Содиқбойга узатдим. У худди шуни қутиб тургандек устидagi бир бўлак нонни озгига солди. Кейин қўлимишидан хиёлат бўлиб, менга қаради.

— Еявер, ош бўлсин, ўғлим.

Боланинг аҳволини кўриб туриб чидаёлмадим. Кўзимдан тирққираб ёш чиқиб кетди. Уйимиз эшигига тўхтаб қолдик. Содиқбой нонни менга узатди.

— Шу нон сенга, ўғлим. Уйга. Онанга олиб бор, — дедим ўзимни тута олмай.

— Нондек азиз бўлинг, амаки.

Ё қудратингдан. Ахир бу хали турмуш иқир-чиқирлардан бутунлай холи бўлган ўйинқароқ боланинг гапи эмас-ку. Наҳотки тақчиллик шу гўдакни худди катталардек мушохада қиладиган даражага олиб келган бўлса...

Бугун Содиқбойнинг дабдаба билан безатилган тўқин дастурхонига ўтирибман-у, унинг ўша ёшлик ҳолатидаги гапи қулоғим остида тақрор-тақрор жаранглайди. Шуларни ўйлаб, тилим қичиди. Унга шу дамда: "Эҳ, нодон бола, ўтмишини унутма" деган гапни айтгим келарди.

Максуд ОРИПОВ

Шарқ дурдоналари



• Қилинган насиҳат қабул шарофига мушарраф бўлмаса бунинг иллати кўпроқ насиҳатгўйнинг нўноқлигига боғлиқ. Чунки олим қомил бўлса, қилган ваъз-насиҳатнинг остида бирор гарази бўлмаса, эшитувчининг қабулига муяссар бўлади.

Байт:
Насиҳатин таъсири бўлмаса ҳеч кишига, Таажжубмас, дилида гарази бор кишининг. Яхши қамон бўлса-ю қамонгар уста бўлса, Ўқи нишонга тегмай қолмас зинҳор кишининг.

• Ҳикмат. Ҳар кимнинг феъл-авториди нуқсон бўлса, унинг қилган ваъз насиҳатини ҳеч қим қабул қилмайди.

Байт:
Сўзларингизни эшитмаса ҳеч кимса, Бехудага чекма жабуру жафони.

Ўз нафсингга ўқи аввал насиҳат, Токи бузмай юрсин аҳду вафони!

• Ҳикмат. Ҳар ким тўхматчилар қаторида ўтирса, уни тўхматчиликда айбласалар, ўзидан хафа бўлсин. Ҳар қим ўзи сирини яширса, надомат ва пушаймонлик тор-тмайди. Бу ҳақда яхши айтганлар:

Ошкор қилиб бўлмас сирларинг бўлса, Дилингга жойла-ю унга муҳр бос. Эл озгига тушгач, эиёни қўпдир, Икки лаб ичидан сир чиқса беҳос!

• Ёлғондан ичигдан қасамнинг охири хорликдир. Ўлим хавфи бўлса ҳам, ҳаммиса рост сўзламоқ керак.

• Доимо парҳезгар ва доно кишилар билан маслаҳатлашмоқ керак.

Байт:
Насиҳатим бўлса беғараз, Жони билан тинглайди киши. Фойдами ё эиён барибир, Тинглайвериш беғарим иши!

• Ҳикмат. Аристотель шундай ёзади: «Иззат тиласанг ифбатли бўл, улуглик тиласанг мулоийм бўл, зафар тиласанг адолат йўлини тут, қадр тиласанг ростгўй бўл, наҳот тиласанг сабр қил, или ўрганмоқчи бўлсанг жидду-жаҳд қил!»

Байт:
Дунё моли гўё булут сояси, У ёндан бу ёнга ўтар хар замон. Шунинг учун молнинг эътибори йўқ, Бир онда ўзгариб қолар ногаҳон. Хушёр киши шундай кишики доим.

Топганини элга қилади эҳсон.

• Бир ёлғончи ва бехуда сўзловчи киши лоф кўчасига кириб, дерди:

«Мажасти» бирла «Ўқлидси» билурман, Бу фан бобида юзни мот қилурман.

Замона саҳифасида ва замину осмон теғрасида, умуман, эл орасида нимаики бўлса менинг кўзлашдига аёндыр!

Унинг бехуда ва паршон аҳволдан воқиф бир доно унга деди: «Кўп баланд паства учма, ёлғончилик қўйиға тушма! Узоққа бориб юрмайлик, айтчи, ингингдаги соқолинг толаси нечта?»

Байт:
Бехуда гапларни гапирса киши, Гапидан ортажак бошда ташвиши.

Ўй бекалари, Сизлар учун

ГУЛЛИ МУРАББО ҚАНДАЙ ТАЙЁРЛАНАДИ?

Камалақдан ранг олган гулзорларимизни атиргулсиз тасаввур этиш қийин. Гуллар маликаси атиргул шоирлар тилида дoston бўлиб, унга аталган, уни мадҳ этувчи шеърлар битилган, қўшиқлар қуйилган. Дили равшан эттирувчи, гўзаллиги билан кишини ўзига ром этгучи атиргуллар фақат одамга завқ улашибгина қолмасдан, балки у қадим замонлардан бери шифобахш омил сифатида ардоқланиб келинмоқда.

Узоқ йиллар давомида атиргул асосида гулқанд, гулмурабболар тайёрлаб келинади. Маълумки, Шарқ халқлари табобатида гулқанд сурункали ва ўткир йўталда, бедармонликда, камқонлик, хорғинликда, офтоб урганида ва ичбуруғ каби тинда қуритувчи хасталиқларда даво ҳисобланиб келинган.

Атиргул гултожиларидан тайёрланган мураббо дармонбахшлиги, хуштаъм ва ниҳоятда хушбўйлигини ҳамма билади. Бирок, гулдан мураббо тайёрлаш усулини билиб қўйган фойдадан холи бўлмайди.

Атиргул гулбаргларида мураббо тайёрлаш учун гултожбарглар шондан ажратиб оли-

нади-да, қўйи оқиш қисми қирқиб ажратилади. Ажратилган гулбарг қисмлари йирикрок кўзли элак ёки ғалвирга солиниб, гулчанглари тўқилиб кетгунга қадар эланади. Шундан сўнг гулбарглар ювилиб, уч-беш дақиқа давомида қайнатилади ва силкитиб сув гулбарглардан ажратилади. Гулбарглар

зудлик билан совутилади. Гулбарглардан ажратилган қайнатма сувлар шарбат тайёрлаш учун сақланади. Алоҳида шарбат тайёрлаш учун бир килограмм ҳисобдаги гулбаргларга 1,3 килограмм шакар, 2 литр сув, 2 грамм микдорда лимон кислотаси олинади. Совиб турган гулбаргларга шарбат-қием, мўлжалдаги кислота қўшилиб етилгунча қайнатилади.

Гулмураббо ўта хушбўй, лаззатли ва тотимли бўлиши билан бирга, кишига дармон бағишлайди. Айниқса куз ва қиш палларидида наҳорга гул мураббосидан бир қошиқ истеъмол этиб туриладиган бўлса, организм ҳар хил шамоллаш билан боғлиқ бўладиган хасталиқларга нисбатан бардошли бўлади.

Лаънатли таомлар

БЕҲИЛИ ДИМЛАМА

Беҳининг нордон хили танаб олиниб, туқини артасиз ва икки паллага кесасиз, уругини ва заҳа бўлган жойларини олиб ташлаб, уни бир сантиметр келадиган тилиқларга кесасиз-да иссиқ сувга ботириб кўясиз, акс ҳолда қорайиб кетади.

Гўшт билан ёғни бармоқ қатталигига, пийёзи эса халқа-халқа қилиб тўғрайсиз. Хар учналда масаллиқнинг юзига туз, мурч ва зира сепиб аралаштирасиз. Масаллиқни қозонга ёки кастрюльгага солиб, юзи билан баравар сув қўйиб, қопқоғини зичлаб ёпиб оловга қўясиз. Қайнаб

чикқач, дарҳол оловни пастлатиб, 40 дақиқа давомида милтиратиб қўясиз. Қопқоғини сира очманг, чунки у димлама-да.

Дастурхонга тортишда қовлида сузиб олиб, лаганга соласиз, юзига қирқилган ошқуқ сепиб келтирасиз. Сардаги хар бир хўрандага алоҳида пиёлаларда тортилади.

Беҳининг муаттар хиди ва нордонлигига димлама гўшт ва ёғнинг таъми йўғунлашади, мурч, зира ва юзига сепилган кашиниқ иштаҳани очади.

Беҳили димламани тайёрлаш учун 1 килограмм нордон беҳи, 500 грамм қўй гўшти, 200 грамм думба ёки чарви ёғи, 2 бош пийёз, 1 чой қошиғида туз, шунча мурч ва шунча зира олинади. Юзига сепиш учун ярим боғ кашини ёки укроп керак бўлади.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

• Пиширилаётган суюқ овқатга сув ва туз бўлиб-бўлиб бир неча марта солинса, таомнинг мазаси бузилади.

• Суюқ таомларни қаттиқ қайнатсангиз хира тортиб кетади, милтилатиб қайнатилса тиниқ бўлади.

• Ортиб қолган сутли ва қатиқ қўшилган таомларни қайта иситиб бўлмайди, иситилса мазаси бузилади, яхшиши бундай овқатларни совуқлигича истеъмол қилиш керак.

"01"

ЁНГИН — ЛОҚАЙДЛИК ОҚИБАТИ

Ёз мавсуми бошланганидан буён, Тошкент шаҳрида фуқароларимиз ташлаган ахлатлар, очик майдондаги курук ўтлар туфайли ёнгинлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Вақтида ўриб олинмаган курук ўтлар катта ёнгинлар сабабчиси бўлиб, бугунги куннинг асосий муаммоларидан бири ҳисобланмоқда.

Шу кунларда содир этилган ёнгинларни тахлил қилсак, Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманидаги катта очик майдонларда қуриган ўтлар ёнмоқда. Мисол тариқасида бир неча содир этилган ёнгинларга диққатингизни жалб этмоқчимиз.

Маълумки, ёнгин бепарволик ва лоқайдлик оқибатидир. Бундай кўнгилсиз ҳолатларни туманлар ободонлаштириш бошқармаси раҳбарияти томонидан ўз вазифаларига совуққонлик билан ёндошишлари ҳамда қуриган ўтларни ўз вақтида йиғиштириб олиш ишларини ташкил этмаганликлари натижасида содир этилган десак адашмаймиз.

Кўёш нурлари остида қуриб кетган ахлат ва қуриган ўтлар учун биргина чўнгин ўзи кифоядир. Ўтиб кетаётган йўловчи тутаб турган сигарета қолдигини ташлаб, ўзи билмаган ҳолда катта ёнгин сабабчиси бўлади. Назоратсиз қолган болажонлар эса чиқинди-ахлатларни ва очик майдондаги қолип кетган курук ўтларни ёқиб таштилни ўтказмоқдалар. Эҳтиётсизлик ва бепарволикдан келиб чиққан ёнгинлар катта талафотларга ва кўплаб ҳолларда инсон ҳаёти учун фожиали оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳар бир инсон тушуна билиши лозимдир.

Баҳодир ТОХТАЕВ,
Тошкент шаҳар
ИИББ ЁХБ
муҳандиси, лейтенант

«NAZIFAR» хусусий фирмасининг мақоми «NAZIFAR» масъулияти чекланган жамиятига ўзгартирилмоқда. Мурожаат учун телефон: 135-80-86.

«Dermalase» масъулияти чекланган жамияти Устав фондининг 100.000 (юз минг) АҚШ долларидан (28.190) (йигирма саккиз минг бир юз тўқсон) АҚШ доллари 50 центга камайгани ҳақида маълум қилади. Шикоят ва аризалар эълон чиққандан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ ТОШКЕНТ СОЛИҚ КОЛЛЕЖИ

2005-2006 ўқув йилига «Солиққа тортиш», «Бухгалтерия ҳисоби» ва «ЭХМ ва компьютер тармоқларини солиқ идораларида ишлатиш» мутахассисликлари бўйича танлов асосида

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тошкент солиқ коллежи ўрта махсус касб-хунар ўқув муассасаси бўлиб, давлат солиқ хизмати органлари учун кадрлар тайёрлайди. Коллежга 9-синфни тугатган ўқувчилар махсус синов натижалари асосида қуйидаги йўналишлар бўйича ўқишга қабул қилинади:

● «Солиққа тортиш» йўналиши бўйича коллежда ўқиш муддати — 3 йил ва ўқувчилар доимий яшаш жойларидаги шаҳар ва туман давлат солиқ инспекцияларида 1 йил амалий ишда синов ҳам ўтайдилар. Ўқиш шакли — кундузги, ўқиш жараёни ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

● «Бухгалтерия ҳисоби» йўналиши бўйича ўқиш муддати — 3 йил ва ўқувчилар доимий яшаш жойларидаги шаҳар ва туман давлат солиқ инспекцияларида 1 йил амалий ишда синов ҳам ўтайдилар. Ўқиш шакли — кундузги, ўқиш жараёни ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

● «ЭХМ ва компьютер тармоқларини солиқ идораларида ишлатиш» йўналиши бўйича ўқиш муддати — 3 йил ва ўқувчилар доимий яшаш жойларидаги шаҳар ва туман давлат солиқ инспекцияларида 1 йил амалий ишда синов ҳам ўтайдилар. Ўқиш шакли — кундузги, ўқиш жараёни ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

● Коллежга қабул қилинган ўқувчилар заруриятига кўра ётоқхона билан таъминланади.

Коллеж битирувчиларига давлат андозасидаги диплом берилади.

Аризалар коллеж консультатив маркази томонидан 20 июндан 1 августга қадар қабул қилинади.

Қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

- Коллеж директори номига ёзилган ариза (аризада таълим оладиган тили кўрсатилиши лозим: ўзбек ёки рус тили);
- 9-синфни битирганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (асл нусхаси);
- 086-У шаклидаги саломатлиги тўғрисидаги тиббий маълумотнома;
- 6 дон 3x4 ўлчамдаги рангли фотосурат (бош кийимсиз);
- Доимий яшаш жойидан берилган маълумотнома;
- 9-синфни жорий йилда битирмаганлар учун 10-11-синфларда таҳсил олмаганлиги тўғрисида ўзлари ўқиган мактабдан ва маҳалла кўмитасидан маълумотнома.

Ўқишга кирувчи томонидан паспорт (туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома) шахсан кўрсатилади.

Коллежга қабул қилиш бўйича махсус синов белгиланган тартибда математика, она тили ва адабиёт (рус тили ва адабиёти) фанларидан ўтказилади.

МАНЗИЛ: ТОШКЕНТ ШАҲРИ, УЧТЕПА ТУМАНИ, КИЧИК ҲАЛҚА ЙЎЛИ, 3-УЙ.

МАЪЛУМОТЛАР УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 75-75-53, 75-64-47.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 13 февралдаги, «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 3202-сонли Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойишига асосан, ҳамда ҳўжалик бирлашмалари таркибига кирувчи корхоналар фаолиятига ноқонуний аралашувларни аниқлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат мулки кўмитаси, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси томонидан 2003 йилнинг 26 майда 1243-сонли қарор қабул қилинди.

Ушбу қарор билан корхоналарнинг оператив ҳўжалик фаолиятига ноқонуний аралашуш ҳолларига

барҳам беришда доимий мониторинг ўрнатиш тартиби белгиланган.

Мониторингни киритиш ҳўжалик жамиятлари таркибига кирувчи корхоналарнинг ҳўжалик фаолиятига аралашуш ҳолларини аниқлашга, улар бўйича тегишли чоралар кўришга, шу каби аралашуш ҳолларини бартараф қилишга қаратилган тизимни ташкил этишга имкон беради.

Мазкур мониторингни амалга ошириш мақсадида, Давлат мулки кўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан корхоналарга сўровномалар тарқатиш йўли билан ўрганиш ўтказилмоқда, «Ишонч телефон»лари ўрнатилган.

Сўров жараёнида ва ишонч телефонлари орқали олинган маълумотлар сир тутилади ва юқорида кўрсатилган мақсадларда фойдаланилади.

Корхоналарнинг оператив ҳўжалик фаолиятига аралашуш ҳоллари тўғрисидаги маълумотларни Давлат мулки кўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармасидан 133-67-90 рақамли «Ишонч телефон»и орқали бериш мумкин.

Мунажжим башорати

ЯҚИНЛАРИНГИЗГА ҒАМХЎР БЎЛИНГ

1 ИЮЛЬ, ЖУМА

Юлдузлар жойлашиши кишиларни жонли табиат кўйида кўпроқ бўлиш, яқинларингиз, ўзингиз яхши кўрган уй ҳайвонлари, бошқа жониворларга ғамхўрлик қилиш, томорқа ва дала ҳовлиларидан, чорбоғлардаги экин-тикинлар, мевали дарахтларни парваришлагҳа дэъват этади. Ой тақвими 25-кунни рамзи тошбақа бўлиб, шошганда ҳам хом-хатала иш тутишга йўл кўймаслик, ҳар қандай шароитда ҳам оқилона фикр юритиш талаб этилади.

Кўёш тақвими бўйича 13-кун ҳисобланган бугунги кун яна фикрлар аниқлиги, айтилган гаплар билан қилинган амаллар боғлиқлигини ташкиллайди. Ҳар қандай ҳиссиётлар, шубҳа-ю мавҳум хаёлларга ортинча аҳамият бермаслик керак. Бугун мангиз ва соғлом фикр курулингиз бўлсин. Улар энг матлуб ечимларни топиш, ҳар қандай мурракаб вазиятдан эсон-омон чиқиб кетиш имконини беради. Кўёш тақвимиининг 13-кунни ҳисобланган бугунги кун турли хил шартномаларни имзолаш ва амалий битимлар

тузиш учун кулай ҳисобланади. Кўпчиликдан холироқ бўлиш, саросималик ва ўйланмай қилинади-ган хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик, ташқаридан турли иғвор-фитналарга учмасликка интилинг. Ички туйғуларингиз, виждонингиз давлатига қўлоқ тулинг. Қузатувчанлик ва воқеалар боришининг оқибат натижасини олдиндан билиш қобилиятини ривожлантириш ҳамда турли аломатлар ва ирим-сиримларга эътибор қилишга тўғри келади.

Бу кеча умуман туш кўрмаганин-

гиз маъқул. Зеро, тушларингиз яқинларингиз ёки дўстларингиздан бирининг у дунёга сафаридан огоҳлантиради. Тушда хашаротларни кўриш ҳам кўнгилсизликларга ишора ҳисобланади. Сув билан боғлиқ барча тушлар, жумладан, сувда сузиш, кўприк устидан ўтиш ва балиқ тутиш бўлажак яхшиликларга ишора.

Қаттиқ чарчамасликка ҳаракат қилинг, асабларингизни асрагн. Нафас йўллари бугун заифлашган ҳолатда бўлишини унутманг.

Кийим-кечақлардан оқ, қизил ва

олтинранглилари омад келтиради. Қора ва кўк рангли либослардан ўзингизни тортинг. Кўп узук ва зебийнатларни тақийш ҳам манфаатли бўлади.

БУГҮН:

- сафарлар, саёҳатларга йўл олиш;
- яхшилаб уйқуга тўйиш, танангиз қанча талаб қилса шунча дам олиш;

- ўзингизга ёққан машғулотлар билан шуғулланиш;

- кўпроқ табиат кўйида, очик ҳавода бўлиш;

- дала ва боғда ишлаш, экин-тикинларни парваришлаш ва уй ҳайвонларига меҳрибонлик кўрсатиш;

- санъатга ошно бўлиш, кингиз театрларга бориш тавсия этилди.

Жиддий ишларга қўл уриш, оғир жисмоний меҳнат билан, хавф-хатарли спорт турлари билан шуғулланишдан, кулоқ оғригига бепарво бўлишдан зарар кўришингиз мумкин.



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмали АҚРОМОВ

Манзил: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
3684 нусхада босилади. Қоғоз биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайтанба ва жума кўнлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрия етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтасига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоқчиси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.